

19. Юқоридаги асар. -27с.
 20. Холиков З. Термиз и Чаганиан в позднем средновековье. Автореф. Дисс. канд.ист.наук.
 - Самарканд, 2001. -11 с.

БОҒЛИДАРА КУРАШ МАКТАБИ ТАРИХИ

Умаров Икромжон Ибрагимович

Термиз Давлат университетининг Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

Email: lochin-umarov@mail.ru

Аннотация: Ўзбек миллий кураши қадимги аجدодларимизнинг турмуш тарзини ўзида мужжасам этиб, ҳалолик, мардлик, ботирлик, жасурлик, эпчилик, чаққонлик, орномусни ўзида намоён этган. Ҳар бир қишлоқ, овул, уй миллий кураш таъсирида улғайган. Мазкур мақолада ўзбек миллий курашида муҳим из қолдирган Боғлидара кураш мактабининг тарихи ва анъаналари тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Калит сўзлар: Боғлидара, кураш, олиш, Чори полвон, Турсуннозим полвон.

Аннотация: Узбекская национальная борьба кураш воплотила образ жизни наших древних предков и показала честность, отвагу, отвагу, отвагу, ловкость, честь. Каждый кишлак, аул, дом росли под влиянием национальной борьбы. В данной статье представлена сведения об истории и традициях школы борьбы Боглидара, оставившей важный след в узбекской национальной борьбе.

Ключевые слова: Боглидара, кураш, олиш, Чори полвон, Турсуннозим полвон.

Abstract: The Uzbek national wrestling kurash embodied the way of life of our ancient ancestors and showed honesty, courage, courage, courage, dexterity, honor. Every village, aul, and house grew under the influence of the national struggle. This article provides information about the history and traditions of the Boglidar wrestling school, which left an important mark on the Uzbek national wrestling.

Key words: Boglidara, kurash, olish, Chori polvon, Tursunnozim polvon.

Ўзбек миллий кураши жуда қадимий тарихга эга. Бу юртда жуда кўплаб полвонлар етишиб чиққанлиги тарихий манбалар орқали бизга маълум. Ўзбекнинг

бешикларида алплар, баҳодирлар, ботирлар, полвонлар улғайган. Полвонлар ҳар бир даврнинг номус ва ори саналган. Полвон даврада тобланган, полвонни эл суйган, эл сийлаган, полвон элнинг ори учун даврага кирган. Ота-оналар ўз ўғилларини алп бўлиб етишини Яратгандан сўраганлар. Шу боисдан ҳам Бойсун, Ҳисор, Денов, Шеробод бекликларида ном чиқарган полвонлар кўпчиликини ташкил этган.

Албатта полвон бўлиб етишиш осон эмас. Чунки полвонлик ҳам насл суради, ҳам машқ ва тарбиянинг маҳсули сифатида қаралади. Воҳада кураги ерга тегмаган, давраларда мардона курашиб рақиб устидан бир неча бор ғалаба қозонганларгина полвон деб аталган. Воҳа аҳолиси полвонларни уч тоифага: зоти полвон ўтган, Оллоҳ алплик хислатларини юқтирган полвонлар, суяги полвон, яъни келбати полвонсифат полвонлар, машқ ва меҳнат орқали полвон бўлганларга бўлади.

Халқ кураш тушиш жойини “Алининг майдони” деб атайди. Қўни – қўшни овулдошлар ҳам кундалик ҳаётда бир-бирларининг болаларини ўзаро олиштириб туришган. “Ўғил боламисан, чиқ Алининг майдонига, қани кучингни кўрсат!” деб болаларнинг иштиёқини кучайтиришган. “Йиқилганни ер кўтаради” каби халқ мақолини ўз ўрнида қўллаб, йиқилган болани яна олишишга ундашган. “Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил”, - дея ёш полвонларни босиқроқ бўлишга ундашган.

Миллий кураш мусобақаси учун ўтмишда тўй эгаси ўзи ҳамда қариндош-уруғлари ва ҳамқишлоқлари берган совринларни кураш баковули ва соврин тарқатувчиларда топшириб, кимга нима беришни уларнинг ўзига қўйиб беришган.

Совринлар асосан: гилам, наMAT, от хуржун, дигил, кийимлик матолар, қўй, ҳўкиз, бузоқ, эчки, сарка, қўчқор, қўзи, улоқ, той, пул, танга кабилардан иборат бўлган. Тикув машинаси чиққан пайтларда тикув машинаси ҳам совринга қўйилган.

Ҳар бир ерда ўзига хос кураш усули мавжуд. Сурхон полвонлари курашда жуда мохир бўлиб, оёқда чалиб йиқитиш энг кўп ишлатиладиган усуллардан биридир. Воҳа полвонлари оёқ билан чалиб йиқитишда “ёнбош”, “тўғаноқ”, “қоқма”, “ўрама”, “норпўш”, “қўшша” усулларини ишлатишади. Бундан ташқари оёққа чалмасдан “учадан”, “кифтдан”, “қайтарма”, “бурама”, “қўтариб буриб ташлаш” “ийиндан ошириб ташлаш”, “силтаб отиш” каби усулларни ҳам ишлатишади. Шунингдек, курашда ҳимояланиш, кези келганда фириб ишлатиш усуллари ҳам борки бу усуллар ҳар бир полвоннинг ушбу усулларни қўллай билиш санъатига боғлиқ [1].

Баковул (давра боши, яъни ҳакам) кекса полвонлардан қўйилган. Курашни дастлаб ёш болаларни ўзаро кураштириш билан бошланиб, ундан сўнг каттароқ болалар, кейин ўсмирлар, йигитлар, охирида таниқли полвонларни ўзаро курашга туширишган. Ҳазил тариқасида кекса, нуроний полвонларни ҳам майдонга туширишиб, улардан дуо олишган, уларга махсус соврин беришган.

Баковул кураги ерга тўлиқ тегиб йиқилган кишининг рақиби бўлган полвон шарафига: “Ҳалол!”, “Ҳалол йиқитди!” – деган. Томошабинлар ҳам кийкиришиб жўр бўлишган. Бир-бирини енга олмаган полвонларни: “Ёнгиша олишмади”, “Кучлари тенг экан”, - дея ўзаро келиштириб совринини иккига бўлиб беришган. Агар улар ўртасида совринга мол қўйилган бўлса, танга ёки пул ҳамда тенг миқдордаги, ўша мол нархига келиштириб соврин бўлиб берилган.

Сурхон воҳасида полвонлар тайёрлайдиган мактаблар бўлган. Ана шундай мактаблардан бири Шеробод туманидаги тоғли Боғлидара қишлоғида бўлган. Бу мактабда Кўхитангтоғ марказидаги барча қишлоқларнинг

полвонлари тайёрланган ва ўз вақтида ундан кўплаб донгдор полвонларни етишиб чиққан. Чунончи, тангидевонлик Эрдона мерган Абдолбек ўғли – (XVIII аср) машҳур мерган, чавандоз ва полвон бўлган. Ғузор беги томонидан ўтказилган тўйга амирликнинг барча йирик полвонлари келишган, лекин ҳеч бири бекнинг кўкраги саккиз қарич келувчи полвони билан кураш тушишга юраги жазм этмас эди. Шунда яқиндагина уйланган Эрдона мерган бекнинг полвони билан кураш тушишга талабгор бўлади. Биринчи қўлдаёқ Эрдона мерган полвонни йиқитади. Аммо уни ҳисобга олишмаган. Эрдона мерган полвон билан яна икки марта курашга тушиб, ғолиб бўлади.

Қойил қолган бек Эрдона мерганга: Майли, энг катта совринни сенга бераман, фақат бунинг учун бир бўталокнинг жағини айиришинг керак бўлади, – дейди. Мерган рози бўлади. Сўнг унга бир бўталокни олиб келишади. Мерган қаттиқ кучаниб, тиззасига қадар тупроққа беланиб, бўталокнинг оғзини иккига айириб ташлайди. Аммо ўзи ҳам қаттиқ шикастланади. Бурнидан тирқираб қон келиб қолади. Ҳамма ёш полвонга тан беради. Бек ваъдасининг устидан чиқиб, уни катта мукофотлар билан тақдирлайди [2].

Ушбу мактабнинг яна бир доврўғли полвони Давлат Бердиали ўғлидир (1890-1962). Давлат полвон Шерободнинг Ғоз қишлоғида туғилган, касби чўпон бўлган. Давлат полвон эл орасида Давман (Девман) полвон номи билан машҳур бўлган. Давман полвон 15-16 ёшидан кураш тушган. Унинг устози Бухоро амирлигида анчайин номдор бўлган Нодир полвон бўлган. Давман полвон каттагина полвонтошни елкадан ошириб машқ қилган. XX асрнинг 10 йилларида бекликда машҳур полвон даражасига эришган. Шу даврда у Шеробод, Бойсун, Ғузор, Шаҳрисабз, Балхда бекликларида ўтказилган курашларда мутлоқ ғолиб бўлган. 1916 йилда Балхда Бухоро, Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистон полвонларининг беллашуви бўлиб ўтган. Ушбу беллашувда афғонларнинг “енгилмас” деб ном чиқарган полвонини мағлуб қилган. Шунда афғон полвони жанжал чиқарган. Лекин халойиқ Давман полвонни ҳимоя қилиб уни кечаси Амударёдан ўтказиб юборишган [3].

Шерободнинг Ғоз қишлоғида яшаб ўтган Шерободнинг Кампиртепа қишлоғилик Абсамат полвон Жабборов, яъни Абса полвон бутун бошли ўтовни барча жиҳозларини бир жойга тўплаб, маълум масофага кўтариб бора олган [4].

XX аср бошларида Боғлидара полвонлар мактаби яна бир нечта улуғ полвонларни етиштириб чиқарди. Улардан бири Турсуннозим полвон Қурбонёр ўғли (XIX аср иккинчи ярми – 1926) Шеробод бегининг моҳир полвонларидан бири бўлиб, тўй ва сайлларда ўтказилган кураш мусобақаларида доимо мутлоқ ғолиб бўлиб келган. Бу полвоннинг бўйи икки метрдан ортиқ бўлган. Шеробод беклигидаги бир тўйда мутлоқ ғолиб бўлиб бекнинг совринини олган Турсуннозим полвон халқ орасида “Элни оғалаган полвон” номини олган. Ваҳоланки бундай номга фақат кураш мусобақаларида эл орини ҳимоя қилиб, бошқа юрт полвонларини енга олган полвонлар эришган. Турсуннозим полвон Хатак қишлоғида вафот этган. Хатакдаги мулла Ота қабристонида дафн этилган [5].

Шерободнинг Хатак қишлоғида яшаб ўтган Чори полвон Эшпўлат ўғли (1880-1941) ҳам кураги ерга тегмаган алп бўлган. XX асрда Сурхон воҳасининг энг машҳур полвонларидан бири бўлган. Бойсун ва Шеробод бекликларида бўлиб ўтадиган кураш мусобақалари Чори полвонсиз ўтмас эди. Иймони мустаҳкам, иродали, мард, ҳалол, элсевар одам бўлган. Курашда ғирромлик бўлишга умуман йўл қўймаган. Камбағал ва ожиз кишиларни ҳамиша ҳимоя қилиб юрган. Шу хислатлари билан эл ҳурматиға сазовор бўлди. Чори Эшпўлатов ёш полвонларни тайёрлаш учун Боғлидарага кириш жойида катта-кичик бир нечта тош қўйдирган. Ўзини полвон деб билган киши шу тошлардан бирини кўтариб, токча устиға қўйиши шарт эди. Энг катта тош 180 кг бўлиб, Чори полвон тоши дейилади. Бу тошни Чори полвондан ташқари, фақат Қурбонёр ўғли Турсуннозим полвон кўтара олган. Қолган тошлар ўртача 120-150 кг атрофида бўлган. Турсуннозим полвон машқ қиладиган тош оз эмас, кўп эмас нақ сандикдек келган.

Чори полвоннинг невараси Абдол

полвон Жўраев (1930–2004) ҳам бобоси изидан борди. Сурхондарё биринчилигида Менгзиё полвонни курашда мағлуб этиб, вилоят чемпиони бўлган. Ўрта Осиё республикалари ўртасида ўтказилган курашда фахрли иккинчи ўринни эгаллаган. 1956 йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон ёшлари спорт фестивалида мутлоқ чемпион бўлган. Абдол Жўраев сурхондарёлик полвонлар орасидан етишиб чиққан биринчи жаҳон чемпионидир [6].

Боғлидара полвонлар мактабининг яна бир йирик вакили Наврўз полвон Назаров (1926–2007) Хатак қишлоғида туғилган. Ёшлигидан курашга қизиққан. Тўйларда кураш тушиб, эл орини ҳимоя қилган. II жаҳон уруши йилларида фашизмга қарши курашда қатнашган. Наврўз полвон 1999–2000 йилларда кураш бўйича Президент кубоги совриндори бўлган. 12 та медал эгасидир [7].

Умуман олганда бу мактабдан бошқа яна кўплаб полвонлар етишиб чиқди. Улар орасида Абдузоир полвон Нозимов, Ниёзкелди полвон, Отакул полвон, Ҳофизкелди полвон, Оллоёр полвон, Саҳи полвон, Улуғ полвон, Тилак полвон Тошпўлатов, Рустам полвон Зоиров, Сафар полвон Қўнғиротов, Саид полвон Эшонкулов, Сафар полвон Номозов, Исмат полвон Раҳматов, Раззоқ полвон, Пиримқул полвон, Абдуҳалил полвон, Абдумўмин полвон, Муҳаммади полвон, Тоғаймурод полвон, Аллаёр полвон, Ўткир полвон ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин.

Бойсун беклигининг номдор полвонларидан даштиғозлик Йўлдошали полвон, унинг шогирдлари Саманчи (Ҳакимали) полвон, Умир полвон Қосим полвон, Хидир полвон, Хўжамқули полвон Ашур полвон, Исмат полвон, Тўра полвонлар бўлган [8].

Хулоса қилганда, Сурхон воҳаси азалдан курашга қизиқиб келган. Бу ернинг полвонлари ҳам содда ҳам дўлвор, бироқ ҳалол, полвон келбатига яраша, полвон сифати, полвон сийрати ҳам бор. Шу боисдан ҳам эл доим полвонлари билан фахрланган, полвонларини сийлаган, уларни давранинг тепасиға ўтирғизган. Оила тарбиясида одоб-ахлоқ маънавий тарбияси

билан бирга, жисмоний бакуватлик, | сингдирилган.
чаққонлик, мардлик, жасурлик тарбияси ҳам

Адабиётлар рўйхати:

1. Тошпўлатов Ж., Жумакул А. Сурхон полвонлари. –Термиз: Жайхун, 1995. – Б.125.
2. Турсунов С.Н., Пардаев Т., Бегимкулов О. Ўзбек миллий кураши тарихи ва анъаналари. – Термиз: Сурхоннашр, 2015. –Б. 44.
3. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2014. –Б. 211-212.
4. Турсунов С., Пардаев Т., Турсунов А., Тоғаева М. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида номоддий маданият тарихи. –Тошкент: Мухаррир, 2012. –Б. 151–152.
5. Умаров И. Бадаш: тарих ва анъана. –Термиз: Сурхоннашр, 2018. –Б. 93.
6. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар... –Б. 213.
7. Турсунов С., Пардаев Т., Турсунов А., Тоғаева М. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида номоддий маданият тарихи. –Тошкент: Мухаррир, 2012. –Б. 151–152.
8. Турсунов С.Н., Пардаев Т., Бегимкулов О. Ўзбек миллий кураши тарихи ва анъаналари. – Б. 40.

SURXON VOHASIDA YUZ (JUZ) LARNING MILLIY KIYIM-KECHAKLAR VA ZEB-ZIYNAT BUYUMLARI

Dulanov Otabek Yuldashevich,

Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrası katta o'qituvchisi (PhD)

Annotatsiya: O'zbek xalqining ananaviy kiyimlari va taqinchoqlari moddiy madaniyatning mushtarak bir qismini tashkil etib, xalqimizning milliy xususiyatlari, urf odatlari hamda estetik didini namoyon etgan. Boshqa xalqlar kiyimlari singari o'zbeklarning ananaviy kiyimlari uzoq tarixiy jarayonlar davomida, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish hamda urf-odat, marosim, an'analar ta'sirida davrlar o'tishi davomida o'ziga xos xususiyatda shakllanib, rivojlanib kelgan.

Kalit so'zlar: Kiyim-kechak, Vaxshivor, Sangardak, Sho'rchi, Qarluq, G.Arandarenko, «kuloh», «qalpoq», jiyda, o'rik (zardoli), jinjaq, «ko'krakband», «pesh chak», «peshkumo», «Elka yoqali», «kiftaki», «halqayi Muhammadi», «muhammadi sirg'a», «uch oyoqli», «besh oyoqli».

Абстрактный: Традиционная одежда и украшения узбекского народа являются общей частью материальной культуры и отражают национальные особенности, обычаи и эстетический вкус нашего народа. Как и одежда других народов, традиционная

одежда узбеков формировалась и развивалась по-своему в ходе длительных исторических процессов, под влиянием социально-экономического развития, обычаев, обрядов и традиций.

Ключевые слова: Одежда, Вахшивор, Сангардак, Шорчи, Карлук, Г. Арандаренко, «шапка», «кепка», жийда, абрикос, джинджак, «нагрудник», «пеш» чак», «пешкумо», «погон», «кифтаки», «халкайи Мухаммади», «серьга Мухаммади», «трехногий», «пятиногий».

Abstract: The traditional clothes and jewelry of the Uzbek people are a common part of the material culture and show the national characteristics, customs and aesthetic taste of our people. Like the clothes of other nations, the traditional clothes of Uzbeks have been formed and developed in their own way during long historical processes, under the influence of social and economic development, customs, rituals, and traditions.

Key words: Clothing, Vakhshivor, Sangardak, Shorchi, Qarluq, G. Arandarenko,